



## О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **20** yil « **24** » **август**

№ **502**

Toshkent sh.

### **Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ёшлар, шу жумладан талабалар ва ўқувчилар ўртасида атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, уларнинг адабиётга қизиқишларини янада ошириш, рағбатлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган:

**Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш ва таълим муассасаларида адиблар ижодини ўрганиш бўйича чора-тадбирлар режаси** (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) 1-иловага мувофиқ;

**Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича олий таълим муассасаларини бириктириш рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

атоқли адиблар номидаги махсус стипендияларни ва кўкрак нишонларини жорий қилиш асослари, тартиби, ушбу стипендиялар ва кўкрак нишонлари билан тақдирлаш мезонлари, стипендияларни тўлаш муддатлари ва миқдорини, кўкрак нишонларининг тавсифини назарда тутувчи **Атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар ва кўкрак нишонлари тўғрисидаги намунавий низом** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг 2-илосида назарда тутилган олий таълим муассасаларида:

бир ой муддатда бириктирилган атоқли адибларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича ўқув-маърифий тадбирларни амалга оширувчи **ижодий гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйсин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, **илмий-адабий маслаҳатчи лавозимини жорий этсин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида уларга бириктирилган атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар ва кўкрак нишонларини жорий қилишни таъминласин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, атоқли ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилишга **бошқа олий таълим муассасаларини ҳам жалб қилиш чораларини кўрсин.**

3. Олий таълим муассасасининг илмий-адабий маслаҳатчиси:

олий таълим муассасасига бириктирилган атоқли адибнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш билан шуғулланиши;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсияси билан жалб этилиши ҳамда олий таълим муассасасида **жамоатчилик асосида фаолият юритиши;**

олий таълим муассасаларининг **бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилиши мумкинлиги;**

олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган атоқли адибларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича ўқитувчи ва талабалардан ташкил топган **ижодий гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириши белгилаб қўйилсин.**

4. Белгилансинки:

атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари учун стипендияларнинг белгиланган миқдорларининг 2-бандига мувофиқ ҳисобланади;

чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент тарихи музейининг фонди мунтазам равишда шаҳар тарихига оид археологик, нумизматик ва этнографик топилмалар, шунингдек, турли экспонатлар билан доимий янгиланиб ва тўлдириб борилишини ҳамда ушбу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси 2021 йил 1 январдан бошлаб, Адиблар хиёбони ҳамда Тошкент тарихи музейини туристик йўналишларга киритиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маданият вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда тизимидаги таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги мавжуд музейларнинг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда гидлар (гид-таржимонлар) тайёрлашни ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ 24 ” августдаги “ 502 ”-сон қарорига  
1-илова

**Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш  
ва таълим муассасаларида адиблар ижодини ўрганиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиявий манба	Масъуллар
1.	Адиблардан бирининг илмий-ижодий фаолиятини ўрганувчи тадқиқотчилар, адабиёт ва санъат йўналишидаги фаол талабалар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассасаси ректори томонидан бериладиган <b>муайян адиблар номидаги кўкрак нишонини жорий қилиб, бир марталик</b> пул мукофоти билан тақдирлашни йўлга қўйиш.	1. Намунавий низом асосида ҳар бир олий таълим муассасасида кўкрак нишони ва уни бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. 2. Адабиёт ва санъат йўналишидаги тадқиқотчилар ҳамда фаол талабаларни муайян адиблар номидаги кўкрак нишони билан тақдирлаб бориш.	2021 йил I чорак  ҳар ўқув йили якунида	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, кунун ҳужжатларида тақиқланмаган маблағлар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Олий таълим кенгаши, тизимида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида” 1993 йил 5 февралдаги ПФ–555-сон Фармони 9-бандига мувофиқ энг илгор илмий ходим, ўқитувчи, ўқувчи ва талабаларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириб бориш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан талабалар учун ректор томонидан бир семестр давомида бериладиган муайян адиблар номидаги <b>махсус стипендияни жорий қилиш.</b>	1. Намунавий низом асосида ҳар бир олий таълим муассасасида муайян адиблар номидаги махсус стипендияни жорий қилиш ва уни бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. 2. Ушбу йўналишдаги фаол талабаларни махсус стипендия билан тақдирлаб бориш.	2021 йил I чорак  ҳар ўқув йили якунида	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Олий таълим кенгаши, тизимида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази

3.	<p>Миллий бадий адабиётга доир ўқув манбалари, мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат сабоқларини ўзида жамлаган, Адиблар хиёбонида ҳайкали ўрнатилган ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва бой меросини кенг тарғиб қилишга мўлжалланган ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги <b>“Адиблар хиёбони” интернет портални яратиш.</b></p>	<p>1. “Адиблар хиёбони” интернет порталнинг концепцияси ва техник топшириқларини ишлаб чиқиш. 2. Ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги “Адиблар хиёбони” интернет портални яратиш. 3. “Адиблар хиёбони” интернет портални адиблар билан боғлиқ бўлган ахборот ва маълумотлар билан бойитиб, янгилаб бориш.</p>	<p>2020 йил август  2020 йил сентябрь  доимий</p>	<p>Адиблар хиёбонига бириктирилган олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси</p>
4.	<p>Адиблар хиёбонида 5 та муҳим ташаббусга бағишланган “Адабиёт ҳафталиги” доирасида <b>“Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!”</b> шиори остида республика талабалар фестивалини, унинг доирасида китоб ярмаркаси ва фестивалини ташкил этиш.</p>	<p>1. Фестиваль концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Фестивални талабалар ўртасида кенг тарғиб қилиб, унинг қуйи босқичларини ўтказиш. 3. Фестивалнинг республика босқичини ўтказиш. 4. Китоб ярмаркаси ва фестивали, “Адабиёт ва бадий ижод” мавзусида фотокўргазма, либослар кўргазмаси, амалий ижод намуналари кўргазмаси, Ахборот-коммуникация технологиялари кўргазмаси ва бошқа турли кўргазмалар ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил декабрь  ҳар йили I чорак  ҳар йили II чорак фестиваль доирасида</p>	<p>Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлар маблағлари, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш фонди</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Бадий академия, Республика Олий таълим кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги</p>
5.	<p>Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли адибларнинг номи билан аталадиган жойлардаги кўча, маҳалла ёки бошқа ижтимоий объектларда яшаётган, фаолият олиб бораётган ёшлар иштирокида <b>“Адибимиз – фахримиз”</b> шиори остида ёшлар фестивали ва китоб ярмаркасини ташкил этиш.</p>	<p>1. Фестивалнинг концепцияси, намунавий дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Фестивални талабалар ўртасида кенг тарғиб қилиб, унинг қуйи босқичларини ўтказиш. 3. Фестивалнинг республика босқичини ўтказиш. 4. Китоб ярмаркаси ва фестивалини ўтказиш.</p>	<p>2021 йил март  ҳар йили II чорак ҳар йили II чорак  фестивал доирасида</p>	<p>Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари</p>	<p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Бадий академия, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги</p>

6.	<p>Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли адибларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган эсселар, иншолар танловлари, викториналар ҳамда уларнинг асарлари асосида саҳналаштирилган драма асарлари кўригини ўтказиш ҳамда ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Талабалари ўртасида Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли адибларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган эсселар, иншолар танловлари, викториналар, уларнинг асарлари асосида саҳналаштирилган драма асарлари танловини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ушбу танловларни талабалар ўртасида кенг тарғиб қилиб, унинг қуйи босқичларини ўтказиш. 3. Танловларнинг республика босқичини ўтказиш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>ҳар йили II чорак</p> <p>2021 йил июнь</p>	<p>Ижрочилар ҳамда хомийлар маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, тизимда олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар, Ёшлар ишлари агентлиги</p>
7.	<p>Адиблар ҳаёти ва ижодига бағишлаб янги чоп этилган бадиий адабиётнинг тақдимотини ташкил этиб бориш.</p>	<p>1. Тадбирларни ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларни ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тадбирларни ўтказиб бориш ҳамда фаол ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.</p>	<p>2020 йил сентябрь 2020 йил октябрь ҳар йили II чорак</p>	<p>-</p>	<p>Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, бириктирилган олий таълим муассасалари</p>
8.	<p><b>“Яшнагай то абад илму фан, ижод”</b> мавзусида Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган адибларга бағишланган публицистик ва илмий мақолалар танловини ташкил этиб бориш.</p>	<p>1. Адиблар хиёбонидаги адибларга бағишланган публицистик, илмий мақолалар танлови низоми, режа, дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Танловнинг Тошкент шаҳар ва Республика босқичларини Адиблар хиёбонида ташкил этиб бориш.</p>	<p>2020 йил ноябрь-декабрь</p> <p>ҳар йили II чорак</p>	<p>Ижрочилар ҳамда хомийлар маблағлари</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, бириктирилган олий таълим муассасалари</p>
9.	<p><b>“Адиблар билан танишув”</b> деб номланган адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бадиий, ҳужжатли фильмларнинг илк намоишини Адиблар хиёбонида ташкил этиш.</p>	<p>1. Адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг илк намоишини Адиблар хиёбонида ташкил этиш тартиби ва режасини тасдиқлаш. 2. Бадиий ва ҳужжатли фильмлар намоишини Адиблар хиёбонида ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p> <p>ҳар йили II чорак</p>	<p>Ижрочилар ҳамда хомийлар маблағлари</p>	<p>“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, бириктирилган олий таълим муассасалари</p>

10.	<p><b>“Шухратинг порласин токи бор жаҳон”</b> шиори остида таълим муассасаларидаги адабиёт, маънавият, одоб-ахлоқ ва тарбия билан боғлиқ бўлган дарсларни ташкил этиш.</p>	<p>1. Ўтказиладиган тадбирлар ва дарслар рўйхатини шакллантириш. 2. Ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Адиблар хиёбонида ўтказиладиган адабиёт, маънавият ва тарбия билан боғлиқ бўлган маҳорат дарсларини ОАВда ёритиб бориш. 4. Адибларнинг асарлари асосида китобхонлик танловларини ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь 2020 йил октябрь доимий</p> <p>ҳар йили II чорак</p>	-	<p>Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар</p>
11.	<p>Адиблар ҳақида <b>хотиралар жамланган китоб</b> тайёрлаш ва нашр этиш.</p>	<p>1. Адиблар ҳақида хотиралар жамланган нашрларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Адиблар ҳақида хотиралар жамланган мавжуд нашрларни ўрганиш. 3. Жамланган нашрларни тайёрлаш ва чоп қилиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2021 йил I чорак</p> <p>2021 йил II чорак</p>	Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари	<p>Бириктирилган олий таълим муассасалари, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси</p>
12.	<p>Ижтимоий тармоқларда ҳар бир адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган <b>махсус саҳифалар</b> яратиш, уларни мазмунли контент билан тўлдириш.</p>	<p>1. Ижтимоий тармоқларда ҳар бир адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус саҳифалар яратиш. 2. Саҳифаларни мазмунли контент билан тўлдириш бўйича масъулларни белгилаш. 3. Махсус саҳифаларни мазмунли контент билан тўлдириб бориш ва муаллифларни рағбатлантириш. 4. Ҳар бир адиб ҳаёти ва ижодига оид мультимедиа дастурлари, видеороликлар тайёрлаш ва тарқатиш. 5. “Ватанпарвар шоир” мавзусида радио ва онлайн викторина ўтказиш ҳамда маълумотларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил ноябрь</p> <p>2020-2022 йиллар</p> <p>2020-2022 йиллар</p>	-	<p>Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, бириктирилган олий таълим муассасалари</p>

13.	<p>Нофилологик олий таълим муассасалари учун “Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши” фан дастурига “Ўзбек адабиёти”, “Навоийшунослик” мавзуларини киритиш ва тегишли ўқув адабиётларини яратиш.</p>	<p>1. Нофилологик олий таълим муассасалари учун фан дастурига тегишли мавзуларни киритиш. 2. Нофилологик олий таълим муассасалари учун “Ўзбек адабиёти”, “Навоийшунослик” фанлари бўйича ўқув қўлланма яратиш.</p>	2020/2021 ўқув йилидан		<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Олий таълим муассасалари</p>
14.	<p>Атоқли шоир <b>Бердақ ҳаёти ва ижодини</b> ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институти мисолида ташкил этиш ҳамда ижобий натижалари ҳисобга олинган ҳолда, бу тажрибани бошқа олий ўқув юртларида жорий этиш.</p>	<p>1. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида атоқли шоир Бердақ ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича ўқитувчи ва талабалардан ташкил топган ижодий гуруҳ тузиш. 2. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида, Бердақ яшаб ижод қилган ҳудудда ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. 3. Бердақ ижодига бағишланган туркум маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда ижодий гуруҳнинг Қорақалпоғистон Республикасига бориши, Бердақ ҳаёти ва ижодини тарғиб қилишни ташкил этиш. 4. Ўтказиладиган тадбирларни ОАВда ёритиб бориш. 5. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ижобий тажрибасини адиблар бириктирилган бошқа олий ўқув юртларида оммалаштириш.</p>	<p>2020 йил сентябрь  2020 йил октябрь  2020/2021 ўқув йилидан мунтазам  тадбирлар давомида 2021/2022 ўқув йилидан</p>	Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти</p>
15.	<p>Адиблар яшаб ижод қилган ҳудуд ва қадамжоларга <b>илмий-маърифий экспедициялар ташкил этиш</b> ҳамда улар билан боғлиқ мавзуларда конференциялар ўтказиб бориш.</p>	<p>1. Конференцияларни ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш. 2. Конференцияларни Вазирлар Маҳкамасининг йиллик конференциялар режасига киритиш.</p>	2020 йил сентябрь ҳар йили январь	Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари	<p>Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, тизимда олий таълим</p>

		<p>3. Адиблар туғилиб ўсган, ижод қилган масканларга экскурсияларини ташкил этиш.</p> <p>4. Конференцияларда профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда мақолалар тўпламларини чоп этиш.</p> <p>5. Конференция материаллари асосида хулосавий тақлифлар тайёрлаш.</p>	<p>режа асосида, конференция давомида конференция даврида</p> <p>конференциядан сўнг</p>		<p>муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, бириктирилган олий таълим муассасалари</p>
16.	<p>Адиблар хиёбонида ҳайкали ўрнатилган ёзувчи ва шоирларнинг уй музейлари, уларнинг номларида ташкил этилган <b>ижод мактабларини олий таълим муассасалари томонидан оталиққа олиш</b>, уларнинг энг илғор илмий ходим, ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириб бориш.</p>	<p>1. Оталиққа олинган мактаблар билан ҳамкорликда ишлаш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш.</p> <p>2. Ёзувчи ва шоирларнинг номларида ташкил этилган ижод мактабларида “Йўл харитаси” асосида тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p> <p>“Йўл харитаси” асосида</p>	<p>Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари</p>	<p>Бириктирилган олий таълим муассасалари, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Олий таълим кенгаши</p>
17.	<p>Талабалар қалбида адабиётга, она тилимизга меҳр, ҳурмат ва эътибор ҳиссини юксалтириш мақсадида олий ўқув юрти хаваскорлик жамоалари томонидан уларга бириктирилган атоқли адибларнинг ҳаёти, фаолияти ва асарлари асосида спектакллар саҳналаштириш</p>	<p>1. Атоқли адибларнинг ҳаёти, фаолияти ва асарлари асосида спектакллар саҳналаштириш учун сценарийлар тузиш.</p> <p>2. Сценарийлар асосида спектакллар саҳналаштириш.</p> <p>3. Спектакллар намойишини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил январь-февраль</p> <p>2021 йил март-май 2020/2021 ўқув йили давомида</p>	<p>Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари</p>	<p>“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, бириктирилган олий таълим муассасалари</p>
18.	<p>Олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида Адиблар хиёбонининг аҳамияти ва ўзбек адабиёти намояндаларига бағишланган <b>махсус курс ташкил этиш</b>.</p>	<p>1. Олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида Адиблар хиёбонининг аҳамияти, ўзбек адабиёти намояндаларига бағишланган махсус курс ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳни шакллантириш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p>	<p>–</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар,</p>

		<p>2. Таълим муассасалари учун махсус курс дастурини тайёрлаш.</p> <p>3. Таълим муассасаларида асосий фанларга кўшимча равишда ўтиладиган, 6 соатдан иборат махсус курс жорий қилиш.</p> <p>4. Бириктирилган адабнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш бўйича ўқув-маърифий тадбир ташкил этиш ва телеканалларда эфирга бериб бориш.</p>	<p>2020 йил ноябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p> <p>2020/2021 ўқув йили давомида</p>		<p>Республика Олий таълим кенгаши</p>
19.	<p>Адиблар хиёбони ҳақида ҳужжатли фильм ҳамда у ерда ҳайкали ўрнатилган ёзувчи ва шоирлар ҳақида алоҳида режа бўйича <b>бадий ва ҳужжатли фильмлар яратиш</b>, уларнинг кенг намойиш этилишини таъминлаш.</p>	<p>1. Адиблар хиёбони, ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги фильмларни яратиш бўйича ижодий гуруҳлар тузиш.</p> <p>2. Фильмларнинг сценарийларини ишлаб чиқиш ва бадий кенгаш кўригидан ўтказиш.</p> <p>3. Фильмларни яратиш бўйича режа ва лойиҳа тайёрлаш.</p> <p>4. Фильмларни фестиваллар, ОАВ, интернет саҳифалари ва ижтимоий тармоқларда намойиш қилиш.</p>	<p>2020 йил август</p> <p>2020 йил ноябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p> <p>2021 йил давомида режа асосида</p>	<p>Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари</p>	<p>“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, бириктирилган олий таълим муассасалари</p>
20.	<p>Ўзбекистон халқ шоири <b>Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижодини</b> олий таълим муассасаларида ўрганиш бўйича Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида намунали ўқув-маърифий тадбирларни ташкил этиш.</p>	<p>1. Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқитувчи, талабаларидан иборат ижодий гуруҳни шакллантириш ҳамда намунали ўқув-маърифий тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>3. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўқув-маърифий тадбирларни ОАВда ёритиб бориш.</p> <p>4. Мазкур ижобий тажрибани адиблар бириктирилган бошқа олий таълим муассасаларида оммалаштириш.</p>	<p>2020 йил сентябрь-октябрь</p> <p>тадбирлар давомида</p> <p>2021/2022 ўқув йилидан</p>	<p>Ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағлари</p>	<p>Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти</p>

21.	Таълим муассасаларида муайян <b>адиблар тарихи ва ижодига бағишланган экспозицияни</b> ташкил қилиш.	1. Муайян адиблар тарихи ва ижодига бағишланган экспозиция хонасини тайёрлаш бўйича намунавий концепцияни ишлаб чиқиш. 2. Доимий экспозиция хонасини зарур материаллар билан жиҳозлаш ва хонанинг очилиш маросимини тантанали ташкил этиш. 3. Экспозиция хонасининг 3D макетини яратиш ва хонада кўчма машғулотлар ташкил этиб бориш.	2020 йил октябрь  2020 йил декабрь  2020-2021 ўқув йилини иккинчи ярмидан	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳомийлар маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Адиблар хиёбонидаги тадбирларга бириктирилган олий таълим муассасалари
22.	Миллий гвардия ҳарбий-техник институтида энг намунали ҳарбий тайёргарликка эга, юксак маънавиятли ўқитувчилар ва талабаларни муносиб тақдирлаш мақсадида <b>Заҳириддин Муҳаммад Бобур</b> номидаги кўкрак нишони, махсус стипендия таъсис этиш ҳамда бу тажрибани бошқа олий ўқув юртларида ҳам жорий этиш.	1. Тасдиқланган намунавий низом асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги кўкрак нишони, махсус стипендия низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Танлов комиссиясини тузиш, тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва уни амалга ошириш. 3. Институт ўқитувчи ва талабалари орасидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги кўкрак нишони, махсус стипендияга муносибларни аниқлаш. 4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги кўкрак нишони, махсус стипендия ғолибларини тақдирлаш. 5. Бошқа олий ўқув юртларига жорий этиш.	2021 йил январь  2020 йил февраль  2020 йил март-апрель  2020 йил март-апрель  2021/2022 ўқув йилидан	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳомийлар маблағлари	Миллий гвардия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “\_24\_” августдаги “502”-сон қарорига  
2-илова

**Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг  
ибратли ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича  
олий таълим муассасаларини бириктириш  
РЎЙХАТИ**

- |     |  |   |  |
|-----|--|---|--|
| 1.  | Алишер Навоий ҳайкалига                | – | Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети    |
| 2.  | Захириддин Муҳаммад Бобур ҳайкалига    | – | Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти                                       |
| 3.  | Фурқат ҳайкалига                       | – | Тошкент архитектура-қурилиш институти  |
| 4.  | Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳайкалига         | – | Тошкент давлат шарқшунослик университети                                     |
| 5.  | Муқимий ҳайкалига                      | – | Тошкент давлат иқтисодиёт университети                                       |
| 6.  | Бердақ ҳайкалига                       | – | Тошкент педиатрия тиббиёт институти  |
| 7.  | Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳайкалига          | – | Ўзбекистон халқаро ислом академияси  |
| 8.  | Абдулла Авлоний ҳайкалига              | – | Тошкент давлат педагогика университети                                       |
| 9.  | Абдулҳамид Чўлпон ҳайкалига            | – | Ички ишлар вазирлиги Академияси  |
| 10. | Абдулла Қодирий ҳайкалига              | – | Тошкент давлат техника университети  |
| 11. | Ғафур Ғулом ҳайкалига                  | – | Тошкент давлат юридик университети   |
| 12. | Ҳамид Олимжон ҳайкалига                | – | Ўзбекистон давлат консерваторияси  |
| 13. | Зулфия ҳайкалига                       | – | Тошкент тиббиёт академияси   |
| 14. | Ойбек ҳайкалига                        | – | Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти                                |
| 15. | Мақсуд Шайхзода ҳайкалига              | – | Тошкент давлат транспорт университети  |
| 16. | Абдулла Қаҳҳор ҳайкалига               | – | Тошкент молия институти  |
| 17. | Саид Аҳмад ва Саида Зуннуова ҳайкалига | – | Тошкент ахборот технологиялари университети                                  |
| 18. | Тўлепберген Каипбергенов ҳайкалига     | – | Тошкент давлат аграр университети  |
| 19. | Ибройим Юсупов ҳайкалига               | – | Тошкент кимё-технология институти  |
| 20. | Эркин Воҳидов ҳайкалига                | – | Ўзбекистон Миллий университети   |
| 21. | Озод Шарафиддинов ҳайкалига            | – | Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети              |
| 22. | Абдулла Орипов ҳайкалига               | – | Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти |
| 23. | Александр Файнберг ҳайкалига           | – | Тошкент давлат жаҳон тиллари университети                                    |
| 24. | Муҳаммад Юсуф ҳайкалига                | – | Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти                               |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “24” августдаги “502”-сон қарорига  
3-илова

**Атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар  
ва кўкрак нишонлари тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом олий таълим муассасаларининг талабаларига адиблар номидаги махсус стипендиялар (кейинги ўринларда – махсус стипендия) тайинлаш ва тўлаш, шунингдек, адиблар номидаги кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Махсус стипендия ва кўкрак нишони тегишли адибга бириктирилган олий таълим муассасасида мазкур адиблар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, фаолиятини ёритиш, илмий тадқиқ қилиш ҳамда тарғиб этиш йўналишида изланиш олиб бораётган, алоҳида фаоллик кўрсатган ўқитувчи ва талабаларни рағбатлантириш мақсадида таъсис этилади.

**2-боб. Адиблар номидаги махсус стипендияларни  
тайинлаш тартиби ва мезонлари**

3. Махсус стипендия квотаси олий таълим муассасаларидаги факультетлар сонидан келиб чиқиб, ҳар бир факультет бўйича биттадан алоҳида-алоҳида ажратилади.

4. Махсус стипендия қуйидаги мезонларга жавоб берадиган давлат олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган бакалавриятининг 1–3-босқич ҳамда магистратурасининг 1-босқич талабаларига берилади:

махсус стипендия номига таъсис этилган адибнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, фаолиятини ёритиш, илмий тадқиқ қилиш ва тарғиб этиш йўналишида изланиш олиб бориш;

адабиёт ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш йўналишида алоҳида фаоллик кўрсатиш;

адабиёт ва китобхонликка доир конференцияларда (танловларда) қатнашиш; нашр этилган ишларнинг (асарларнинг) мавжудлиги.

5. Махсус стипендия тайинланишида талабгорларнинг ушбу Намунавий низомнинг 4-бандида белгиланган мезонларга мувофиқ билим ва ижодий тайёргарлик даражасини синовдан ўтказиш мақсадида олий таълим муассасаси:

махсус стипендияга талабгорлар орасидан танлаб олиш учун таълим йўналишлари ва адабиёт соҳасидаги мутахассислардан иборат танлов комиссиясини (кейинги ўринларда – Танлов комиссияси) тузади ва унинг иш тартибини белгилайди;

адиблар ҳаёти ва ижоди бўйича тест синовлари (кейинги ўринларда – тест синови) саволларини тасдиқлайди.

6. Талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун факультет илмий кенгашига ҳар йили 20 мартга қадар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

синов дафтарчасидан кўчирма (ўзлаштириш кўрсаткичи);

кафедра тавсияномаси;

ижодий (илмий) иш, унинг аннотацияси ва тақриз (мавжуд бўлса);

мураббийнинг фикр-мулоҳазалари;

муайян адиб ҳаёти ва ижоди ҳамда фаолиятини (оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ва бошқа) тарғиботи бўйича материаллар;

муайян адиб ҳаёти ва ижодини, фаолиятини тадқиқ қилиш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги журналларда чоп этилган яқка муаллифликдаги илмий мақолалар, ўтказилган анжуманлардаги фаол иштирокини тасдиқловчи ҳужжат (асл нусхаси);

ўз соҳаси бўйича халқаро ёки республика даражасидаги кўргазма, биеннале, фестиваль, симпозиум, танлов ва бошқа нуфузли тадбирлардаги иштироки ва натижаларга эришганлиги (мавжуд бўлса) тўғрисида тасдиқловчи ҳужжат.

Барча ҳужжатлар икки нусхада, ҳар бир нусхаси алоҳида жилдга жойланган ҳолда тақдим қилинади. Ҳар бир жилд муқовасида тақдим қилаётган факультетнинг номи, талабгорнинг исми ва фамилияси, ишнинг номи кўрсатилган бўлади.

7. Факультет илмий кенгаши ҳар йили 31 мартга қадар талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, махсус стипендияга номзодларни тавсия этиш, номзодликка талабгорларнинг ўқишдаги ва ижодий (илмий) фаолиятидаги муваффақиятларини баҳолаш учун муҳокамага қўяди.

Муҳокамадан сўнг яширин овоз бериш йўли билан энг муносиб талабгорлар танлаб олинади. Бунда талабгор ва унинг иши учун овоз беришда иштирок этган кенгаш аъзоларининг учдан икки қисмидан ортиғи овоз берганда, номзод талабалар маъқулланган ҳисобланади ва уларнинг номзодини факультет илмий кенгаши Танлов комиссиясига киритиш мақсадида факультет деканатига тақдим этади.

Факультет деканати ҳар йили 10 апрелга қадар номзодларнинг ҳужжатларини Танлов комиссиясига тақдим этади.

8. Танлов комиссияси:

ҳар йили 20 апрелга қадар талабгорлар билан тест синови ҳамда суҳбат ўтказади;

ҳар йили 25 апрелга қадар номзодларнинг сўнгги танловини яширин овоз бериш йўли билан ташкил этади, бунда талабгор ва унинг иши учун овоз беришда иштирок этган комиссия аъзоларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берганда, ушбу номзодни махсус стипендия тайинлаш учун тавсия қилади;

ҳар йили 27 апрелга қадар махсус стипендия тайинлаш учун тавсия этиш тўғрисидаги қарорни олий таълим муассасаси илмий кенгашига тақдим этади.

9. Танлов комиссиясининг махсус стипендияни тайинлаш тўғрисидаги қарори асосида ҳар йили 30 апрелга қадар олий таълим муассасаси илмий кенгашининг қарори қабул қилинади.

Олий таълим муассасаси илмий кенгашининг махсус стипендияни тайинлаш тўғрисидаги қарори ректор буйруғи асосида кучга киради.

10. Махсус стипендияга сазовор бўлган талабаларга ҳар йили 20 майга қадар “Адиблар номидаги махсус стипендия совриндори” гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) берилади.

11. Махсус стипендия талабаларга ҳар йили, бир ўқув йили учун 1 сентябрдан бошлаб белгиланган миқдорга қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади.

Махсус стипендия миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарори 2-иловасининг 2-бандига мувофиқ белгиланади.

12. Талаба ўқишини бошқа олий таълим муассасасига кўчирганда ёки академик таътил олганда махсус стипендия тўланмайди. 4-босқич талабаларига махсус стипендия ўқиган даври учун тўланади.

### **3-боб. Адиблар номидаги кўкрак нишонлари билан тақдирлаш тартиби**

13. Кўкрак нишони билан олий таълим муассасаларида маданият ва маърифат соҳасини ривожлантириш, адиблар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда аҳоли ўртасида, шунингдек, дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш борасида юқори натижаларга эришган олий таълим муассасаларининг ўқитувчи ва талабалари тақдирланади.

14. Кўкрак нишони билан ушбу Намунавий низомга мувофиқ олий таълим муассасаси ректори тақдирлайди.

15. Олий таълим муассасасида кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодларни танлаш ва тайинлаш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳ) тузилади.

Ишчи гуруҳ таркибига адабиётшунос олим ва мутахассислар, шунингдек, фуқаролик жамияти институти вакиллари киритилади. Ишчи гуруҳ таркиби олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

Ишчи гуруҳ Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис ва адолатли кўриб чиқилиши учун масъул.

16. Кўкрак нишони квотаси олий таълим муассасаларидаги факультетлар сонидан келиб чиқиб, ҳар бир факультет бўйича биттадан ажратилади.

Олий таълим муассасаларининг таркибий бўлинмалари ва тегишлилиги бўйича деканатлари кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни олий таълим муассасасининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимига ҳар йили 1 апрелга қадар тақдим этади.

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими номзодлар бўйича таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқади ҳамда ҳар йили 20 апрелга қадар олий таълим муассасаси ишчи гуруҳига тақдим этади.

17. Кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ йиғилишида номзодларнинг ҳужжатлари ўрганилиб, ҳар йили 1 майга қадар энг муносиб номзодлар тўғрисида якуний хулоса қабул қилинади ҳамда олий таълим муассасаси ректорига тақдим этилади.

Олий таълим муассасаси ректорининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 8 майга қадар чиқарилади.

18. Кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси ҳар йили 20 майга қадар олий таълим муассасаси ректори томонидан тантанали равишда топширилади.

19. Кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида бир марта тўланадиган пул мукофоти оладилар.

Бир марта тўланадиган пул мукофотлари олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан (ўқитишнинг базавий қиймати миқдоридан ошадиган қисмида тўлов-контракт асосида ўқишдан тушадиган тушумлар) ички имкониятлардан келиб чиқиб молиялаштирилади.

20. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

#### **4-боб. Кўкрак нишонининг тавсифи**

21. Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда олтин рангли мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Кўкрак нишонининг марказида адиб қиёфаси акс эттирилади. Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб, юқори қисмида оқ эмаль фонида адибнинг тахаллуси ёки исми ёзилган бўлади. Айлананинг қуйи қисмида адиб қаламига мансуб ҳикматли сўз жойлаштирилиши мумкин. Ҳарфлар баландлиги – 2,2 миллиметр.

22. Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланади.

Кўкрак нишонининг қалинлиги – 3 миллиметр.

Ёзув ва тасвирлар – бўртма.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган бўлади.

Кўкрак нишони илмоқ ва ҳалқа ёрдамида беш қиррали қадағичга уланади.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилади.

23. Ҳар бир кўкрак нишонининг тавсифи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

24. Кундалик дарсларни ўзлаштирмайдиган, ўқув интизомини ва одоб-ахлоқни бузган талабаларни ўқув йили мобайнида факультет кенгашининг тавсиясига биноан олий таълим муассасаси ректори буйруғи асосида махсус стипендиядан маҳрум қилиниши мумкин.

25. Махсус стипендия ва кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича ариза ва шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

